

туризмга бўлган таъсирини тушунишда бири-бирига боғланган қуйидаги масалаларни ҳал қилишни тақозо қилади.⁶⁸

- туризм соҳасининг мамлакат ялпи даромадига қўшадиган ҳиссасини аниқлаш;

- туризм фаолиятдан келиб чиқадиган янги иқтисодий йўналишларни аниқлаш;

- миллий иқтисодиётда туризм соҳасининг ҳиссасини ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар асосида аниқлаш;

- туризм соҳасининг миллий иқтисодиётга қўшадиган “ҳиссаси”ни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, менежмент концепцияси асосида туристик фирма фаолият кўрсатиб, қуйидаги йўналишлар бўйича таъминланади:

- туристик фирмада бошқарув ҳақидаги қарорлар ва уларнинг бажарилишини менежер бошқаради;

- менежернинг ахборотлар бўйича туристик фирмани бошқариши ўта маъсул ва замонавий талаб бўлиб хизмат қилади;

- менежер туристик фирманинг раҳбари сифатида иш кўриб, туристик фирманинг ички ва ташқи муҳитини белгилайди.

МИНТАҚАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕХАНИЗМЛАРИ

*Ж.А.Исматуллаев, докторант
ҚаршиДУ*

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш шароитида Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш бевосита иқтисодиётнинг барча секторларида юқори даражадаги иқтисодий ўсишга эришиш лозимлигини назарда тутди. Шу билан биргаликда технологик ва инновацион етакчиликни қўлга киритиш, ижтимоий соҳадаги жаҳон миқёсидаги илғор тажрибаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан маълум ҳудудларда эришилган самарали натижалар билан белгиланади. Мамлакатнинг стратегик ривожланиш мақсадларига эришиш авваламбор ушбу мақсадларга минтақалар даражасида миллий аҳамиятга молик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширилиши лозимлигини аниқлатади.

Бундай шароитларда инвестицион жараёнларнинг асосий субъектлари сифатида минтақалар ролининг оширилишига замин яратади. Ушбу ҳолатда минтақалар инвестицион маблағларни инвестициялашнинг асосий объектлари сифатида қаралади. Инвестицияланадиган реципиентлар сифатида корхоналарнинг истиқболлари инвестициялаш учун кўп жиҳатдан минтақалар инвестицион жозибадорлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

⁶⁸ Қосимова М.С., Юсупов М.А., Эргашходжаева Ш.Д. Маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 17 б.

Бундай шароитда минтақалар инвестицион жозибадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш масаласи ўзига хос долзарб аҳамият касб этади. Бундай шаклдаги механизмни ҳамда унинг амалга оширилиши воситаларини ишлаб чиқилиши минтақаларнинг ички иқтисодий салоҳиятига асосланган рақобат устунликларининг шакллантирилиши асосида минтақалар салоҳиятининг оширилишига имкон беради.

Минтақалар инвестицион жозибадорлигини ошириш доирасида алоҳида чора-тадбирлар, тизими ва механизмларнинг тузилмавий воситалари унсурларини, ўзига хос воситаларини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар натижалари Седаш Т.Н., Бирюков А.В.,⁶⁹ Цвырко А.А., Сухорукова Н.В.,⁷⁰ А.М.Қодиров⁷¹, А.М.Садыков⁷², Б.Рўзметов, И.Абдуллаев, Ш.Рузметов, Б.Эгамов⁷³ каби хорижий мамлакатлар ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Анъанавий тарзда минтақа инвестицион жозибадорлигининг шаклланиши ва ошишига имкон берадиган қуйидаги омилларни ажратиш мумкин, жумладан:

1.Иқтисодий барқарорлик: инвесторлар иқтисодий ўсиш салоҳиятини, юқори даражага эга бўлган истеъмол талабини ва қулай солиқ (фискал) сиёсатни тақдим қила оладиган барқарор иқтисодий муҳитга эга бўлган минтақаларга инвестицион ресурсларини йўналтириш хохишини билдирадилар.

2.Инфратузилма: ривожланган транспорт, энергетика, ахборот-теллекоммуникацион ва коммунал инфратузилмага эга бўлган минтақалар қўйиладиган инвестицион маблағлар самарадорлигини ошириш имкониятига эга ҳисобланади.

3. Юқори малакага эга сифатли ишчи кучи: ўз бизнес режаларини амалга ошириш мақсадларида юқори унумдорликка эга бўлган ва технологик асосий фондларга инвестицион маблағларини йўналтиришни назарда тутувчи салоҳиятли инвесторлар учун минтақадаги етарли билим даражасига эга бўлган малакали кадрлар инвесторларни жалб қилади.

4.Регуляторлик муҳити: ишбилармонлик операцияларини енгилаштириш имкониятига эга бўлган аниқ ва шаффоф ҳуқуқий тартиб-қоидаларга таянадиган минтақа инвесторлар учун анча жозибадор ҳисобланади.

5. Минтақавий ҳокимият вакиллари томонидан таклиф қилинадиган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантирувчи дастурлар юқори даражадаги рентабелликни таъминлаган ҳолда инвестицион лойиҳаларнинг қопланиш суръатларини жадаллаштиради.

⁶⁹ Седаш Т.Н., Бирюков А.В. Использование зарубежного опыта для повышения конкурентоспособности и инвестиционной привлекательности российских регионов // Финансы и кредит. 2013. № 38 (566). С. 59-65

⁷⁰ Цвырко А.А., Сухорукова Н.В. Проблемы повышения инвестиционной привлекательности региона // Вектор экономики. 2022. № 6 (72).

⁷¹ М.А.Қадиров, М.Т.Аскарлова, А.Т.Ахмедиева. Минтақавий ривожланиш стратегияси. Дарслик. Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи. 2021 й., 410 б.

⁷² А.М.Садыков. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Монография, Т.: «Иқтисод-молия», 2005 г., 280 с.

⁷³ Б.Рузметов, А.Кадыров, И.Абдуллаев, Ш.Рузметов, А.Ахмедиева, Б.Эгамов. Эколого-экономические аспекты конкурентоспособности региона в условиях модернизации национальной экономики. Монография. Т.: "Iqtisodiyot" – 2014/ 137 С.

6. Табиий хом-ашё ресурслари: ривожланган ресурс базасига эга бўлган, ҳамда аҳамиятга молик даражадаги табиий минерал хом-ашё захираларига эга бўлган минтақалар хом-ашё ресурсларини етказилиши нуқтаи назаридан табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш бўйича рақобат устунлигига эга ҳисобланади.

7. Ҳаёт кечириш сифати (аҳоли фаровонлиги): Ҳаёт кечириш сифати юқори бўлган (соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаси хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган) минтақалар инвестицион лойиҳаларда иштирок қилиш учун юқори малакали ва рақобатбардош меҳнат ресурсларини жалб қилиш имкониятини юзага келтиради.

8. Савдо-сотиқ бозорларига географик жиҳатдан яқинлик: стратегик жиҳатдан асосий бозорларга яқин жойлашган минтақалар товар ва хизматларни анча паст ҳаражатлар эвазига реализация қилиш имкониятини берган ҳолда инвестицияларни жалб қилиш салоҳиятига эга бўлади.

9. Ишбилармонлик иқлими: ривожланган ишбилармонлик маданияти ва инновацион фаолият, ҳамда стартап лойиҳалар ва кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай экотизим инвесторларни жалб қилиш имкониятини яратадиган муҳит унсурларини шакллантиради. Бундай қулай муҳит инвесторларни инновацион тадбиркорлик тузилмаларига эга бўлган ишбилармонлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали тажриба ва билим алмашиш, ноёб маҳсулотларни яратиш, янги истеъмолчилар аудиторияларини жалб қилиш ва ҳолис фаолият кўрсатилишини ошириш имконини юзага келтиради.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик жараёнлар минтақалар инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган инновацион асосдаги янги ривожланиш механизмларини шакллантириш зарурлигини англатади. Инновацион технологиялардан фойдаланиш даражасининг нисбатан пастлиги ва бошқарувнинг эски усулларга таянилганлиги минтақалар рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлади. Минтақалар инвестицион жозибадорлигини оширилиши билан боғлиқ кўпгина давлат дастурлари, қарор ва фармонлар, меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг қабул қилинганлигига қарамасдан уларнинг амалга оширилиши баъзи минтақалар инвестицион жозибадорлигини оширилиши бўйича кутилган натижаларни кузатиш имконини бермаяпти. Бу эса жорий давлат бошқарув механизмининг бир қатор минтақаларда инвестицион фаолиятнинг юқори даражаларга эришилиш имкониятларини рағбатлантирмаётганлигини акс эттиради.

Замонавий шарт-шароитларда муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва ривожланиш учун минтақаларда жамиятда самарали фойдаланишга мослаштирилган, юқори билим даражаси ва сўнгги илм-фан ютуқларига асосланган ҳудудий ривожланишни бошқаришнинг янги технологияларига зарурият мавжуд. Бу эса минтақалар ва умуман мамлакат рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Бунинг учун албатта минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шаклига ва ҳудудлар ва улардаги ресурслардан

самарали фойдаланишга асосланган янги технологик асосни шакллантириш лозим ҳисобланади.

Минтақаларни бошқаришга оид масалалар минтақаларни ривожлантириш юзасидан мақсадларнинг белгиланиши ва эришилиши жараёнида юзага келадиган турли хил тизимларни шакллантирувчи муаммоларни ечими билан боғлиқ ҳисобланади. Минтақавий тизимни бошқаришнинг асл моҳияти минтақавий тузилмаларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, барқарорлиги ва динамикаси, ривожланишнинг моддий ва маънавий томонлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни оптимал ечимини топишдан иборат. Минтақа иқтисодиётини муваффақиятли ривожлантириш учун доимий равишда янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва корхоналарнинг инновацион фаоллигини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш лозим ҳисобланади.

Минтақа инвестицион жозибadorлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми – қулай инвестицион муҳитни яратишга, салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ва минтақа инвестицион фаоллигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг йиғиндисини ўзида ифодалайди. Бу масала кўпчилик минтақалар учун, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ва рақобатбардошлиқни ошириш билан боғлиқ муаммоларга дучор бўлган минтақалар учун ўта долзарб ҳисобланади. Муаммолар таркибан бир қанча жиҳатларни ўз ичига қамраб олади, жумладан, улардан бири – *минтақанинг жорий пайтдаги инвестицион муҳити ҳолатининг таҳлили* ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари тадқи қилинади, инфратузилманинг, солиқ оид ва ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги ва етарли даражадалиги, рақобат даражаси ва ҳоказолар таҳлил қилинади.

Иккинчи жиҳати – минтақадаги инвестицион соҳани ривожлантириш билан боғлиқ стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш. Буларга инвестициялар ҳажмини ошириш, инвестициялаш йўналишларини кенгайтириш, инвесторларга тақдим қилинадиган хизматлар сифатини яхшилаш, янги ишчи ўринларини шакллантириш ва ҳоказолар киради. Шу билан биргаликда минтақа инвестицион жозибadorлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизминини ишлаб чиқиш масаласи таркибига белгиланган мақсадларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар ва механизмларни танлашни ҳам киритиш лозим. Булар қаторига субсидиялаш, солиқ имтиёзлари, махсус иқтисодий ҳудудларни яратиш, инвестицион фондларни жалб қилиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Минтақа инвестицион жозибadorлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизмининг самарали фаолият кўрсатиши минтақанинг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инвестицион фаолликни ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратилишига имкон беради ва ўз навбатида минтақа аҳолисининг ҳаёт кечириш даражаси ва сифатининг оширилишига ва технологиялар трансферининг жадаллашишини тақозо этади.

Муҳим вазифалар сифатида минтақага инвестицияларни эркин равишда олиб ўтиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, дўстона муносабдаги мамлакатлар, салоҳиятли инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга

қўйиш ҳамда минтақа саноат корхоналарининг техник ва технологик даражаларини ошириш учун шарт-шароит яратиш ва ҳоказоларни келтириб ўтиш мумкин.

Шу билан биргаликда инновацион шаклдаги саноат ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш лозим. Инновацион шаклдаги саноат ишлаб чиқариши талабларига мос равишдаги меҳнат ресурсларининг сифатини таъминлаш учун касбий ва олий таълим тизимини ривожлантириш миқёсида комплекс чоратадбирларни амалга ошириш зарур. Шундай қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларнинг муваффақиятли ечим топиши минтақаларда инвестицион фаолиятнинг ривожланиши учун қулай муҳитнинг яратилишига, аҳолининг ҳаёт кечириш сифат даражасининг яхшиланишига ва технологиялар трансферининг жадаллаштирилишига қўмаклашади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ВА САЛОҲИЯТИ

*М.Авезов, докторант
Урганч Давлат Университет*

Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шмиолий - ғарбида жойлашган булиб, умумий ер майдони 6 300 квадрат километрни ташкил этади. Иқлими жиҳатидан мураккаб континентал, яъни қиш фасли нисбатан совуқроқ ва ёз ойлари қуруқ иссиқ булиши билан ажралиб туради. Вилоятда 1912 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг аксарияти (67%) қишлоқ туманларида яшаб, меҳнат қилишади. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар – 97,2%, қорақалпоқлар – 0,09%, қozoқлар – 0,75%, туркманлар – 0,5%, руслар – 0,4%, корейслар – 0,2%, татарлар – 0,3% ва бошқа миллат вакиллари - 0,5% ни ташкил қилади⁷⁴.

Вилоятда 13 та маъмурий ҳудудлар мавжуд булиб, вилоят маркази Урганч шаҳрида 160,4 минг киши истиқомат қилади. Бошқа йирик шаҳри - Хива булиб, очиқ осмон остидаги музей, ЮНЕСКОнинг жаҳон аҳамиятига молик шаҳарлари рўйхатида кирган, тарихий обидаларга бой, туристик марказ ҳисобланади. Минтақа Туркменистон давлати, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятлари билан чегарадошдир. Унинг ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга магистрал темир йўллари ва автомобиль йўлларининг ўтганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят иқтисодининг асосини қишлоқ хужалиги маҳсулотлари етиштириш, пахтани қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ташкил этади. Бундан ташқари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати тез суръатларда ривожланиб бораёйган тармоқлар жумласига киради, Енгил саноатнинг асосини мавжуд пахта- тўқимачилик кластери, пахта ава ипак толалари йигирувчи фабрикалар

⁷⁴ Рузметов Б. Региональная экономика Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития – Тошкент 2002, «Фан»